

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг
2019 йил 9 октябрдаги 462-сонли буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ШНҚ 2.09.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуиши станциялари”га
1-сон ўзгартириш**

1. ШНҚ 2.09.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуиши станциялари”да:

а) биринчи қисм (умумий ҳолатлар) қуидаги матндан билан тўлдирилсин:

“1.7. Барча турдаги автомобилларга ёқилғи қуиши станцияларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш чоғида уларнинг ҳудудларида мажбурий равишда амалда бўлган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шу жумладан ШНҚ 2.07.02-07 ҳамда СанПиН ЎзР № 0368-19 “Жамоат хожатхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш санитария қоидалари ва нормалари” талабларини инобатга олган ҳолда жамоат санитария-гиена шаҳобчалари (СГШ) жойлаштирилиши назарда тутилиши лозим.

Жамоат СГШ нинг қувватларини аниқлашда автомобилларга ёқилғи қуиши станциялари ҳудудларига туташ автомобиль йўлларининг категориялари, йўллар (кўчалар)даги транспорт қатнови интенсивлиги ва автомобилларга ёқилғи қуиши станцияларнинг ўтказиш қуввати ҳисобга олиниши, лекин икки очкодан (аёл ва эркақ учун) кам бўлмаслиги лозим”;

б) 2-жадвалда “Хайдовчи ва йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш бинолари” бўлим номи “шу жумладан жамоат СГШ” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 5-жадвалнинг 13 сатрида “АЁҚС бино ва иншоотларнинг номи” устуни “шу жумладан жамоат СГШ” сўзлари билан тўлдирилсин.